

ЎЗБЕКИСТОН
ГЕОГРАФИЯ ЖАМИЯТИ
АҲБОРОТИ

* * *

ИЗВЕСТИЯ
ГЕОГРАФИЧЕСКОГО
ОБЩЕСТВА УЗБЕКИСТАНА

46 – жилд

Тошкент-2015

**Усманов М.Р., Каршибаева Л.К., Каримов И.Э.*
АГРАР СОҲАДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС
ХУСУСИЯТЛАРИ**

Аннотация: Уибу мақолада аграр соҳадаги ислоҳотлар географик жиҳатдан таҳлил қилинган. Аграр соҳа республикада фермерчилк, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий муаммолар мисолида кўриб чиқилган.

Калим сўзлар: фермер хўжалиги, дебқон хўжалиги, қишлоқ аҳолиси, аграр соҳа, ер фонди, қишлоқ хўжалиги.

Реформы аграрного сектора и их особенности

Аннотация: В данной статье проанализированы географические особенности реформ, проводимых в аграрном секторе. Аграрный сектор рассматривается на примере проблем фермерства, сельского хозяйства и социальной жизни.

Ключевые слова: фермерское хозяйство, крестьянское хозяйство, сельское население, аграрный сектор, земельный фонд, сельское хозяйство.

Reformations in agrarian sphere and its peculiarities

Resume: This article discusses the agrarian reformations geographically. The problems are investigated as the examples of agrarian sphere, farming in the republic, rural economy and social conditions.

Key words: farming industry, rural population, agrarian sphere, land fund, rural economy.

Кириш. Мамлакатимиз шароитида аграр соҳани ривожлантирумасдан туриб, умумиқтисодиётни кўтариш қийин иш. Аграр тармоқ республикамиз иқтисодиётининг энг муҳим соҳаларидан биридир. Зоро, ҳозирги кунда республикамизда яшайдиган 30 миллиондан ортиқ аҳолининг 60 фоизга яқини қишлоқларда истиқомат қилиб, мамлакат ялпи маҳсулотининг бир қисми ушбу соҳа улушига тўғри келади.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг хуқуқий асослари яратилди. Ўнлаб қонунлар, хукumat қарорлари ушбу соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг қонун меъёрлари ва тартиб коидалар асосида амалга оширилишида асос бўлиб хизмат қилмоқда. Қишлоқ хўжалигада кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш, турли мулкчилик ҳамда хўжалик юритиш шаклларини фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган хуқуқий меъёрий асослар яратилди.

Асосий қисм. Маълумки, Республика президенти хўжалик юритиш шаклларидан фермерчиликни ривожлантиришга катта эътибор бериб, фермерлар муаммоларини ҳал қилиш ҳамда уларга ёрдам бериш тўғрисида кўпдан бери ғамхўрлик қилиб келмоқда. Бунга мисол қилиб фермерлар хуқуқларини кенгайтириш, фермерлар ҳақидаги қонунларга қатор ўзгартиришлар киритилиши, шу жумладан, уларга ерларни узок муддатга ижарага бериш ва ижара муддатида мерос қилиб қолдириш хуқуқининг берилиши ва бу ерларни ширкатлар ер балансидан чиқарилиши, хизмат кўрсатувчи ва тайёрлов ҳамда қайта ишлаш корхоналари билан тўғридан-тўғри шартнома тузиш хуқуқини, ресурслардан фойдаланиш ва ёлланма ишчилар олиб ишлатиш хуқуқининг берилиши кабиларни келтириш мумкин.

«Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунлар қабул қилингандан сўнг ўтган қисқа даврда деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш соҳасида ижобий ўзгаришларга эришилди. Қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар синфиға асос солинди, деҳқоннинг ерга, мулкка ва ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулотга эгалик ҳисси пайдо бўлди. Республикамиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда деҳқон ва фермер хўжаликларининг ўрни ва ролини янада ошириш масалаларига катта эътибор берилди. Шунингдек, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантиришга қаратилган қонунлар, хукumat қарорлари ва бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатлар билан уларга бир қатор имтиёzlар яратилди.

Республика қишлоқ хўжалигида мулкчилик шаклларига кўра кооператив (жамоа хўжаликлари, хўжаликлараро корхоналар, ширкатлар уюшмалари, давлат хўжаликлари

*Усманов М.Р. – ЖДПИ “География ўқитиши методикаси” кафедраси ўқитувчиси;
Каршибаева Л.К. – ГулДУ “Экология ва география” кафедраси доценти, г.ф.н.;
Каримов И.Э. – ЖДПИ “География ўқитиши методикаси” кафедраси ўқитувчиси.

негизида ташкил этилган хўжаликлар, жамоа мулкига айлантирилган фермалар ва бошқалар), давлат (давлат хўжаликлари, наслчилик заводлари, ўкув тажриба ҳамда тажриба хўжаликлари), хусусий (дехқон ва фермер хўжаликлари, хусусийлаштирилган корхоналар), ахолининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари (шахсий эҳтиёжлар учун айrim қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етишириш) секторлари мавжуд. Республикада қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 99 фоизи иқтисодиётнинг нодавлат секторида ишлаб чиқарилмоқда.

Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва мустаҳкамлаш чоратадбирлари амалга оширилди. Қишлоқда аграр ва иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилди; мустақилликнинг биринчи йилларида қабул қилинган «Ер тўғрисида»ги, «Кооперация тўғрисида»ги, «Ижара тўғрисида»ги, «Дехқон хўжаликлари тўғрисида»ги Қонунлар ва қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Хукумат қарорлари қишлоқда янги ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтиришга имкон берди.

Қишлоқда янгича хўжалик юритиш механизмининг, қишлоқ хўжалигини молиялаштириш, кредитлаш ва суғурта қилишнинг янги тизимининг, қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқарилган маҳсулот ва қишлоққа келтириладиган техника, ёқилғи ва минерал ўғитлар учун бўладиган ўзаро ҳисоб-китобнинг асослари ишлаб чиқилди ва тадбиқ этилди. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг иқтисодий мустақиллиги кенгайди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олишда шартномавий баҳолар тизими кенг қўлланилмоқда. Қишлоқ хўжалигига бошқарув тизими ва тамойиллари янгиланди. Совхозлар тугатилиб, улар мулкчиликнинг бошқа шаклларига ўзgartирилди ягона Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ташкил этилди. Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатиши мақсадида «Пахта банк», «Фалла банк», «Мевасабзавот банк», «Турон-банк», «Замин-банк» тиҷорат банклари ва «Ўзагросуғурта» компанияси тузилди. Машина трактор парклари ташкил қилинди. Қишлоқ жойларида ижтимоий ва бозор инфратузилмаси жадал суръатларда шаклланмоқда.

Республиканинг умумий ер фонди 44797,7 минг га, барча қишлоқ хўжалик ерлари 27987 минг га, шундан суғоришига яроқли ерлар 5 млн. га, суғориладиган ерлар майдони 4238,6 минг га, қишлоқ хўжалигига фойдаланиладиган ерларнинг умумий майдони салкам 32 млн. га, экиладиган ерлар 4090,2 минг га, ҳайдалма ерлар 4474,5 минг га.

Ўзбекистонда XX асрда суғориладиган ерлар майдони сезиларли кўпайди (1914 йилда 1809,5 минг га; 2014 йилда 4238,6 минг га). Кейинги ўн йилликларда ирригация-мелиорация ишларига катта эътибор берилди. Республика ахолиси сонининг ўсиш суръатлари суғориладиган ерларни кенгайтириш суръатларидан ўсиб кетиш натижасида ахоли жон бошига тўғри келадиган суғориладиган ҳайдалма ер майдони йилдан-йилга камайиб борди. Ерлардан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш, тупроқ унумдорлигини тиклаш, табиий муҳитни асраш ва яхшилаш, хўжалик юритишнинг ҳамма шаклларини тенг ҳуқуқлар асосида ривожлантириш учун шароитлар яратиш мақсадида республикада ер муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси (1998 йил апрел, 1998 й 1 июлидан амалга киритилган) билан тартибга солинади.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятига ўзининг мунособ улушкини қўшадиган, ҳар жиҳатдан салмоқли мавқега эга бўлган Жиззах вилоятида ҳам аграр соҳада туб ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Вилоятда аграр ислоҳотларнинг бориши, унинг минтақа иқтисодий тараққиётидаги ўрни, дехқон-фермер хўжаликларининг ривожлантирилиши, эришилаётган ютуқлар, йўл қўйилган хато ва камчиликлар, уларни олдини олиш чоралари, вилоят қишлоқ хўжалигига ҳалқаро ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши, тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш масалаларига қаратилган кенг қўлламли тадбирлар шулар жумласидандир. Ҳозирги вақтда вилоят қишлоқ ахолиси дехқончилик, чорвачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида банддир.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, ҳаётимизни яхшилаш, ахоли турмуш

даражасини кўтариш, иқтисодиётимиз самарадорлигини ошириш, ҳалқимизни боқиши, истиқболимизни режалаш – хуллас, қандай муаммо, қандай масалани кўрмайлик, уларнинг аксарияти биринчи навбатда қишлоқ хўжалигига бориб тақалади. Барчамизни боқадиган, озуқа берадиган соҳа-қишлоқ хўжалиги тармоғидир. Бинобарин, қишлоқ хўжалигининг асоси бўлган ер ресурсларидан оқилона фойдаланишга ҳар ким ўзининг муносиб хиссасини қўшиши лозим.

Адабиётлар:

1. Каримов И. Ўзбекистон: миллий истиқтол, иқтисодий, сиёсий мафкура. 1-жилд. - Т.: "Ўзбекистон", 1996.
2. Жўраев А. Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар // "Мулоқот" журнали, 2004 й., № 2-сон.
3. "Ўзбекистон Миллий энциклопедияси" 7-жилд. – Т., 1998.
4. Интернет маълумотлари.

Бадалов ў.*

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ТУРИСТИК-РЕКРЕАЦИЯ РЕСУРСЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аннотация: Уибу мақола Самарқанд вилоятининг туристик-рекреация имкониятлари ва истиқбол ривожланшишига бағишланган. Кўплаб табиий, тарихий, диний ёдгорликлар, буюк шахслар дағн этилган жойлар туризмни ривожлантиришига асос бўлади. Асосий эътибор Самарқанд шаҳри ва вилоят қишлоқ туманларида туризм индустрисини ривожлантириши истиқболларига қаратилган.

Калим сўзлар: ҳалқаро ва маҷаллий туризм, туристик ресурс, саёҳат, экскурсия, туризм маркетинги, туристик обьект, рекреация туризми, минерал сувлар, рекреацион обьект, экотуризм, агротуризм, реклама, меҳмонхоналар, дам олиш уйлари ва санаториялар.

Перспективы развития туристско-рекреационных ресурсов Самаркандской области

Аннотация: Настоящая статья посвящена перспективам развития и туристико-рекреационных возможностей Самаркандской области. Многие естественные, исторические, религиозные памятники, места захоронения великих личностей создают основу развития туризма. Особое внимание обращено перспективам развития туристической индустрии города Самарканда и сельских районов области.

Ключевые слова: международный и местный туризм, туристический ресурс, путешествие, экскурсия, туристический маркетинг, туристический обьект, рекреационные туризм, минеральные воды, рекреационный обьект, экотуризм, агротуризм, реклама, гостинцы, дома отдыха и санатории.

Perspectives of touristic-recreation resources development in Samarkand region

Resume: This article is dedicated to perspectives development and touristic - recreation opportunities of Samarkand region. Many natural, historical, religious monuments, burial places of tourism development.

The main attention was paid to the touristic facilities cities as Samarkand especially, regions of the district.

Key words: international and local tourism, touristic resource, travelling, excursion object, recreation tourism, mineral water, recreation object, ecotourism, agro tourism, advertisement, hotels, health resorts and sanatoriums.

Самарқанд шаҳри Ўзбекистонда иккинчи йирик шаҳар ҳисобланади. Шаҳар асрлар давомида **Буюк Ипак йўлининг** йирик савдо маркази сифатида тилга олинган. XIV ва XV асрлар давомида бу шаҳар темурийлар салтанатининг пойтахти вазифасини ўтаган ва ўша даврларда йирик илм-фан, маданият марказига айланган. Ҳозирги вақтда эса Самарқанд вилояти ўзини табиий шароити, ер усти тузилиши, рельефи, жануб ва шимол ҳамда шимоли-шарқ томонлари тоғликлардан иборатлиги туристик-рекреация имкониятларини ривожлантиришда аҳамияти бекиёсdir. Бу борада туризм ва рекреация ресурслари талабларига жавоб берадиган замонавий майший хизмат кўрсатиш соҳаларини шакллантириш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, меҳмонхона ва дам олиш уйлари, санатория, савдо, ресторон ва бошқа обьектларни қуриш муҳим аҳамият касб этади.

Бундай обьектларни барпо этишда худуднинг табиий ва рекреация ресурсларини баҳолаш зарур. Ҳозирги кунда Самарқанд вилоятининг Ургут туманидаги Чакилкалон, Омонқўтон, Қоратепа тоғларини энг характерли хусусияти шундан иборатки, унинг табиий шароити, гидрологик ресурслари, иқлим ва ўсимлик дунёсини ўзига хослиги кўплаб дам олиш зоналари ва оромгоҳлар қуришга шароит яратади. Минтаقا

***Бадалов Ўткир Бадал ўғли** – Самарқанд давлат университети, Табиий фанлар факультети География кафедраси ўқитувчиси. E-mail. utkir.badalov@yandex.ru, badalov-u@samdu.uz.

Мирзаахмедов Х.С., Самиев У.А. Эркин иқтисодий зоналар: назария ва амалиёт	78
Ибрахимов Х.С., Жумаханов Ш.З. Ҳалқаро транспорт коридорларининг ривожланиши омиллари ва унда Ўзбекистон шитирокининг истиқболлари	81
Калонов Б.Х., Мухаммедова Н.Ж., Буранов Ё.Р. Навоий вилояти демографик кўрсаткичларининг ўзига хос хусусиятлари	85
Федорко В.Н. Некоторые вопросы природно-хозяйственного районирования Среднего Зарафшана	87
Усманов М.Р., Каршибаева Л.К., Каримов И.Э. Аграр соҳадаги ислоҳотлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари	93
Бадалов Ў. Самарқанд вилоятида туристик-рекреация ресурсларини ривожлантириши истиқболлари	95
Қурбонов Ш.Б., Жаббаров К.Й. Ўзбекистон қишлоқ жойларининг инвестиция муҳити ва иқтисодий фаоллиги ҳақида	98
Файзуллаев М.А. Жанубий Ўзбекистонда аграр-индустрисал циклнинг шаклланиши ва ривожланиши	103
Ражабов Ф.Т. Турли табиий-хўжалик районларда кўп тармоқли фермерчиликни ривожлантириши масалалари	105
Гопиров М.О. Некоторые вопросы промышленной политики Республики Узбекистан	109
Абдалова З.Т. Минтақалар ривожланишида инновацияларнинг аҳамияти	111
Жаббаров К.Й. Янги банк хизматлари – мамлакат ва минтақаларнинг жадал ривожлантириши омили	114
Абдуллаева Г.М., Ҳакимжонова Д.Ш. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етишилтириши ҳажмини ошириши масалалари	117
Мавлонов А.М. Мустақиллик йилларида шаҳарларнинг функционал типларидаги ўзгаришилар	120
Қодиров М.А., Ҳасанов Ж.Ю. Самарқанд вилояти меҳнат ресурслари сонининг ўсиши	123
Абдуллаев А.Г. Хоразм вилояти озиқ-овқат саноати ҳудудий кластерини шакллантириши масалалари	125
Алланов Ш.Қ., Алланов Қ.А. Жанубий Ўзбекистон атмосфера ҳавосининг трансчегаравий ифлосланиши ва унинг аҳоли саломатлигига таъсири	129
Муртазаев И.Б. Минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий хусусиятлари (Навоий вилояти мисолида)	133
Мадаминов З., Бердиев Ф. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиши остонасида” асарида ҳалқ истеъмол моллари ишлаб чиқарши муаммоларининг ёритилиши	135
Обидов У., Жабборов А., Ташпўлатова М. Ўзбекистон табиатини хўжалик жиҳатидан ўрганиши (1929-1941 йй.)	137
Комилова Н., Мухаммедова Н. Ўзбекистон аҳолиси ўлимининг географик тафсуллари	139
Ибрагимов Л.З. Аҳоли бандлиги ва унинг ўзига хос хусусиятлари	143
Аҳмадалиев Ю.И. Ердан фойдаланишининг ҳудудий ташкил этилишини такомиллаштиришининг географик жиҳатлари	146
Янчук С.Л. Некоторые вопросы использования поведенческого и пространственно-временного методов в исследовании поляризованного ландшафта	148
Таштаева С.К. Йирик шаҳарлар ва уларнинг район ҳосил қилувчи роли	151
Исматов Ж.А. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон шаҳар аҳолисининг ўсиши	154